



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 5 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (13.786)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга давлат ташрифи
икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ташриф доирасида турли соҳаларда икки мамлакат ҳамкорлиги ривожига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу тарихий воқеа Ҳиндистон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Ҳиндистоннинг йирик кундалик нашрларидан бири **“Economic Times”** газетаси 800 минг нусхада чоп этилади. Бу **“Wall Street Journal”** (АҚШ) газетасидан кейинги энг йирик иқтисодий нашридир.

Газетанинг 1 октябрь сони асосан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи бағишланган. Биринчи саҳифада **“Ўзбекистон – Ҳиндистон: икки томонлама ҳамкорлиkning янги саҳифаси”** сарлавҳали мақола, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати жой олган.

Иккинчи саҳифада тўртта мақола чоп этилган бўлиб, уларнинг асосийси **“Ўзбекистон – Ҳиндистон: тараққиёт йўлида ҳамкорлар”** деб номланган. Материалда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши жараёнлари тавсифланган, иқтисодий алоқалар батафсил таҳлил қилинган. Хусусан, **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг илк давлат ташрифи икки халқ ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади”**, деб ёздаи **“Economic Times”** газетаси.

“Нима учун Ўзбекистонга сармоя киритиш керак? Очилаётган бозор янги иштирокчиларга кенг имкониятлар яратди” сарлавҳали иккинчи мақолада Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти баён этилган ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодий либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларга юксак баҳо берилган. Материалга илова тариқда жойлаштирилган инфографикада Ўзбекистонга сармоя киритиш афзалликлари асосий омиллари, жумладан, диверсификация қилинган иқтисодиёт, юртимизнинг Марказий Осиёдаги энг йирик бозор экани, қулай географик жойлашуви, улкан инсоний ва интеллектуал ресурслари, табиий захиралари ва сармоядорларга берилаётган имтиёзлар кўрсатилган.

“Андижон эркин фармацевтика зонаси бизнес алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади” деб номланган мақолада Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароит, хорижий инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар, Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларнинг ривожига хусусида сўз юритилган.

Газетанинг иккинчи саҳифасида **“Uzbekistan Airlines Тошкент-Мумбаи тўғридан-тўғри авиакатновларга таклиф этади”** сарлавҳали мақолада янги авиакатновлар икки мамлакат ўртасидаги савдо ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланади.

“Indian Express” газетаси ҳам Президентимиз ташрифини кенг ёритган. 1 октябрь сони бош саҳифасининг ярми ва учинчи саҳифаси тўлиқ ушбу давлат ташрифи бағишланган. Мазкур нашр ҳар куни 495 минг нусхада чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модининг сурати ҳамда ташриф жараёнлари оид маълумотларни эълон қилган. **“Ўзбекистон – Ҳиндистон: алоқалар мустаҳкамланмоқда”** сарлавҳали мақола жойлаштирилган.

Материалларда икки томонлама муносабатлар таҳлили, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар суръати, мамлакатнинг Ҳиндистон сайёҳлари учун жозибадорлиги, маданий алмашувлар ва Ўзбекистонда “Хой-

чой” номли хинд фильмини суратга олиш жараёнлари, Агра ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш масалалари баён этилган. Хусусан, асосий мақолада ташриф доирасида икки томонлама ўнлаб ҳужжатлар имзоланиши қўтилатгани, Деҳлида ўтган Ўзбекистон – Ҳиндистон бизнес-форуми натижасида **“ONGC Videsh”, “Sun Group”, “Sharda University”** каби компаниялар Ўзбекистонга сармоя киритишни режалаштираётгани ёзилган. Марказий Осиё билан муносабатларни мустаҳкамлаш-

“Бозор”, “Экспорт имкониятлари”, “Бизнес юритиш бўйича Жаҳон банки рейтингиди Ўзбекистоннинг ўрни”, “Хорижий инвестицияларнинг кафолати ва ҳимояси”, “Солиқ сиёсати”, “Хорижий инвесторлар учун имтиёзлар ва преференциялар” каби мавзуларда мақолалар берилган. Алоҳида бобда “Ангрен”, “Ғиждувон”, “Ҳазорасп”, “Жиззах”, “Кўкўн”, “Навоий”, “Наманган”, “Ургут” эркин иқтисодий зоналари ҳамда фармацевтика зоналари ва улардаги истиқболли йўналишлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

мизнинг туристик салоҳияти, инвестициявий жозибадорлигига оид аниқликларни ҳам ўз ичига олган. Махсус сондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи ва Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномасига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

Ҳиндистон – МДХ савдо-саноат палатасининг **“Business Magazine”** журналидаги **“Ўзбекистон ва Ҳиндистон: Савдо ва инвестициялар учун янги имкониятлар”** сарлавҳали мақола Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати билан чоп этилган. Нашр икки томонлама иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистондаги ўзгаришлар динамикаси, инвестициявий имкониятлар, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши, фармацевтика соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги каби маълумотларни ўзида акс эттирди.

“Visit Uzbekistan” махсус нашри Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий салоҳияти ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, Ўзбекистон – Ҳиндистон маданий ҳамкорлигидаги асосий воқеаларга оид мақолалар, фоторепортажлар ва материаллар чоп этилган.

Ҳиндистоннинг Микро, кичик ва ўрта бизнес форумининг махсус нашри **“Ҳиндистон – Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги”** деб номланган. Унда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар баён этилади. Икки томонлама товар айирбошлаш, Ҳиндистон бизнесменларининг Ўзбекистондаги фаолияти, фармацевтика, ахборот технологиялари, эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш имкониятлари, сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, логистика, виза тартиботлари тўғрисидаги материаллар рақамлар ва далиллар асосида ёритилган.

Ҳиндистон саноат конфедерацияси (CII) томонидан чоп этилган Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги бизнес муносабатларига оид махсус нашрида икки томонлама муносабатлар динамикаси, Тошкент ва Деҳлида ўтган ҳукуматлараро комиссия йўналишлари, бизнес-форумлар, Ҳиндистон тадбиркорлари учун яратилган имкониятлар, Ўзбекистондаги бизнес муҳити ҳақида мақолалар, шунингдек, **“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 ислоҳоти”** инфографикаси ўрин олган.

“CII Communiqué” Ҳиндистон саноат конфедерацияси журналининг сентябрь сониди Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи бағишланган мақолалар эълон қилинган. Жумладан, **“Ўзбекистон ва Ҳиндистон: икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш сари”** сарлавҳали мақолада ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистон иқтисодиёти, бўлиб ўтган бизнес-форумлар ва ишбилармон доиралар ҳамкорлиги динамикаси каби маълумотлар берилган.

“Political events” хафталик журнали 20-27 сентябрь сонларида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати бағишланган кенгайтирилган таҳлилий материалларни бериб борган. Журнал 2000 нусхада чоп этилади ҳамда таҳлилий ва акадмик марказлар, Ҳиндистон ҳукумат муассасалари, дипломатик корпусга тарқатилди.

Президентимизнинг давлат ташрифи Ҳиндистондаги бошқа оммавий ахборот воситаларида, телевидение кўрсатувлари, ижтимоий тармоқларда ҳам кенг ёритилди.

**ЎЗА МУХБИРИ
АЛОУДДИН ҒАФФОРОВ
тайёрлади**



да Ўзбекистон Ҳиндистоннинг энг асосий шериги экани қайд этилган.

Ҳиндистон – Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари Анил Шастри билан суҳбатда маданий-гуманитар муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Анил Шастри Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг мустаҳкамланишида янги саҳифа очишига ишонч билдирган.

Шунингдек, **“The Statesman”, “The Times of India”, “Daily News & Analysis”, “Millennium Post”** каби газеталар ҳам ташриф воқеаларини кенг ёритган.

Ҳиндистонда Президентимизнинг давлат ташрифи бағишлаб махсус нашрлар ҳам чоп этилди.

“Business opportunities of Uzbekistan” (Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари) деб номланган 70 саҳифали йўриқномада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мавжуд инвестициявий имкониятлар баён этилган. Ун икки бўлимдан иборат нашрда **“Нима учун Ўзбекистонга инвестиция киритиш керак?”, “Макроиктисодий кўрсаткичлар ва таъки савдо”, “Инфратузилма”, “Агро-саноат мажмуаси”,**

Ҳинд тилида нашр қилинган **“Ўзбекистон: Ҳаракатлар стратегияси. Жадал ислохотлар”** номли китоб Ҳиндистоннинг йирик Жамия Миллий университетини билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, мазкур университет профессори, ўзбек тили кафедраси мудири Шаҳид Таслим томонидан хинд тилига таржима қилинган. Ўзбекистондаги **“Тараққиёт стратегияси”** маркази мақолалари асосида нашр этилган ушбу китобда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларига шарҳ берилган. Юздан ортиқ саҳифали китобда бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, таҳлили ва шарҳи берилган.

“Business Central Asia” журналининг махсус сони Ўзбекистонга бағишланган. Мазкур журнал ҳар ойда 42 минг нусхада чоп этилади ҳамда мамлакатдаги расмий ва бизнес доиралар, дипломатик корпус ва халқаро ваколатхоналарга тарқатилди. Журналининг махсус сониди муаллиф ва экспертлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Нашр, шунингдек, таъки савдо, Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатлари шарҳи, мамлакат-

сида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ва Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил қилинди.

Тожикистон Республикасининг Абулқосим Лоҳутий номидаги академик драма театри жамоаси 4 октябрь куни иждоий сафар билан Самарқандга келди. Тожикистон театрининг спектакли Самарқанд вилоят мусикали драма театрида намойиш этилади. Иждоий жамоанинг сафари давомида Самарқанд вилоятида театр иҳлосмандлари билан учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Навоийда **“Худудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар”** мавзuida семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда худудий босма нашрлар

бош муҳаррирлари, марказий нашрлар ва турли сайлар вакиллари иштирок этди.



Астрономлар **“X сайёрани”** топишга уриниб, кўёш тизимининг четиди яна битта митти сайёрани аниқлади. Унинг аниқланиши мазкур газ гигантининг мавжудлиги эҳтимолини оширади. Америкалик астрономларнинг фикрича, бу узоқ оламларни **“X сайёра”** йўл кўрсатувчи белгилар деб аташ мумкин.

Франция авиасозлик компанияси ва синтетик биополимерлар ишлаб чиқарувчи немис компанияси сунъий ўргимчак түри негизидagi материал ишлаб чиқди. Сунъий ўргимчак түри осон эгилади ва бунда ўз пишиқлигини йўқотмайди, уни самолёт қанотларини мустаҳкамлаш ва корпусини химоялашда қўллаш мумкин. Материал самолётни енгилроқ қилади ва ёниги сарфини камайтиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ**

САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобланади.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар доирасида **Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини** (кейинги ўринларда СЯЭР деб юритилади) жорий этишга қаратилган **Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини** яратиш ҳамда уни шакллантириш ва ундан фойдаланишда идоралараро ўзаро ҳамкорлик тартибини регламентлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими эксперимент тартибиди 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов давомида синовдан ўтказилди ҳамда хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил сайлов жараёнига СЯЭРни тўлақонли жорий этишни таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, республика бўламида СЯЭРдан фойдаланиш амалиётининг мавжуд эмаслиги бир сайловчиларнинг бир вақтинчи ўзида бир неча рўйхатларга киритилишига олиб келмоқда ва “бир сайловчи – бир овоз” принципи тўлиқ риоя қилинишини таъминламайпти;

иккинчидан, сайловчи-фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисида ҳаққоний бўлмаган ахборот фуқароларни тегишли сайловчилар рўйхатларига автоматик киритишда аниқликни таъминлаш имконини бермапти;

учинчидан, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестридаги эскирган ва манфаатдор идоралар томонидан фойдаланилмайдиган ахборот сайловчиларни участкалар бўйича тақсимлаш жараёнини автоматлаштиришга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, сайлов участкаларининг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланиши ва уларнинг интернет тармоғига уланishi даражаси пастлигича қолаётгани сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермапти;

бешинчидан, жойлардаги сайлов комиссиялари аъзоларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир билим ва кўникмалари даражаси пастлиги сайлов жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштиришда қийинчилик туғдирмоқда.

Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни таъминлаш, шунингдек, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан самарали фойдаланиш учун зарур аппарат-дастурий инфратузилмани яратиш мақсадида:

1. Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг **мамлакатимизнинг бутун ҳудудида сайлов жараёнига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланиш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. СЯЭРни шакллантиришда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига, Кўчмас мулк объектлари ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрига мувофиқ **сайловчи-фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ягона ахборотдан фойдаланилиши** белгилан кўйилсин.

3. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатнинг бутун ҳудудида Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарлики ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланишда ягона технологик ёндашуви, шунингдек, уларнинг ҳудудларда самарали ишлатилиши таъминлади;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрини юритиш учун жавобгар орган ҳисобланади;

“UNICON.UZ” – “Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари” ДУК Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади, шунингдек, унинг самарали ва узлуksиз ишлатилиши таъминлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2019 йил 1 апрелга қадар** муддатда:

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 20 сентябрдан 20 октябргача ўтказилаётган **“Соғлом аёл ойлги”** доирасида Андижон вилоятида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Ойлик давомида вилоятда 700 мингдан зиёд фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар қучураштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиши белгиланган.

Жиззахда “Корея фестивали – 2018” корейс маданияти тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўрта-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСАЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

фукараларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали уларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектнинг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар ахборот базасидаги фукараларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотни тўлиқ долзарблаштиришни ўтказишни;

туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари раҳбарларини уйма-уй юриб ўрганишни ташкил этишга жалб этишни;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда фукараларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектнинг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар ахборот базасини Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрига ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда **2019 йил 1 апрелга қадар мuddатда кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаларига кўра Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш жараёнини якунига етказсин.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг 4-бандига мувофиқ уйма-уй юриб ўрганиш натижасида тўпланган ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига киритиш учун компьютер ускуналари билан жиҳозланган зарур хоналар ва ходимларни ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг талабномаларига кўра ушбу қарорнинг 4-бандига мувофиқ уйма-уй юриб ўрганиш натижасида тўпланган ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига киритиш учун ажратилган хоналарнинг белгиланган тартибда маълумотлар узатиш тармоқларига улаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва

Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг "Электрон ҳукумат" тизимига интеграциялашувини таъминласин;

Сайлов участкасини аниқлаштириш ва уни ўзгартириш имкониятини тақдим этиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг "Электрон ҳукумат" тизимига интеграциялашувини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказий сайлов комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018-2019 йилларда сайлов комиссиялари вакилларини Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими, шу жумладан, СЯЭР билан ишлаш кўникмаларига ўқитишни таъминласин.

9. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Куйидагилар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказишни ҳамда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш бўйича – 20 фоизи Ер муносабатлари ва давлат кадастрини ривожлантириш жамғармаса маблағлари, 80 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасини модернизация қилиш бўйича – вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

хоналарни ушбу қарорнинг 4 ва 7-бандларига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларига улаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари.

11. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири **П.Р.Бобожонов** зиммасига – фукараларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали уларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектнинг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлигининг ахборот базасидаги фукараларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ долзарблаштирилиши учун;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси **А.Х.Абдуллаев** зиммасига – кўчмас мулк объектларининг тўлиқ хатловдан ўтказилиши

ҳамда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш бўйича ишларнинг якунига етказилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири **Ш.М.Содиқов** зиммасига – Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг янада такомиллаштирилиши ва тўлиқ ишлаши, шунингдек, сайлов комиссиялари сайлов вақтида маълумотлар узатиш тармоқларига узлуксиз улаштирилиши таъминлаш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – фукараларнинг яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотни долзарблаштириш ва сайлов вақтида сайлов комиссиялари Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан самарали фойдаланиши учун зарур хоналар, замонавий ускуналар ва ходимлар тақдим этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси **М.Э.Абдусаломов** зиммасига – сайлов комиссиялари вакилларини Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими билан ишлаш кўникмаларига ўқитиш ва давлат органларининг улар зиммасига сайлов жараёнига СЯЭРни жорий этиш учун зарур шароитларни яратишга доир юқланган мажбуриятларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3662-сонли қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 октябрь

ЕРДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ер назоратчилари томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра ўтган бир йил давомида 9 минг 185 та ҳолатда турли хилдаги ердан фойдаланиш қонунларининг бузилиш ҳоллари аниқланиб, уларни бартараф этиш борасида тегишли чоралар кўрилди.

Мамлакатимиз қонунчилигида ерларни ўзбошимчалик билан, ноқонуний равишда эгаллаб олиниши, ерлардан самарасиз фойдаланиш, ерлардан белгилаб қўйилгандан бошқа мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатлар қўзғатилганда тегишли жазо чоралари қўлланилади.

Ана шундай ҳолатлар аниқланганда энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баробари миқдорда маъмурий жарима тайинланади. Агарда маъмурий жазо қўлланилганда кейин бу ҳолат такоран содир этилса энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жаримага тортилиши, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ жазоси тайинланади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан "Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ерга оид қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этиш ҳамда унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар" мавзусидаги матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда айтилишича, қонун бузилишларнинг асосий қисми юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчилик билан амалга оширилмоқда. Шу даврагача 7 минг 63 та ҳолатда 1322 гектар ер ноқонуний эгаллаб олинганлиги аниқ-

ланган. Президентимизнинг тегишли фармонида кўра ўзбошимчилик билан қўрилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мақсадида ишчи гуруҳ томонидан бир мартали умум-давлат акцияси ўтказилиб, фукараларга қонунлаштириб бериш чоралари кўрилмоқда.

Соҳага инновацион технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда 19 та учувчилик қўшни аппаратурлари (дронлар) харид қилиниб, улардан қишлоқ ҳўжжалида экинларни экишдан тортиб сугориш ва парваришдаги муҳим агротехник тадбирларни ўтказилиши, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганишда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Фукараларнинг томорқа ва дала томорқа ер участкаларидан фойдаланиш ҳолати дронлар ёрдамида ўрганилганда, республика бўйича жами 3 минг 280 та ҳолатда 781 гектар ер майдонидан белгиланган тартибда фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан фукараларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди. Мингдан ортиқ фукаралардан 266 гектар томорқа ер майдонлари уй-йўй қўрмасдан қаровсиз ташлаб қўйганлиги учун туман заҳирасига қайтариб олинди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР БИЛАН БОЙДИ

Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Иброҳим ал-Маҳмуд бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда Ўзбекистон – БАА бизнес-форуми ўтказилди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистоннинг БААдаги элчихонаси ва Дубайдаги Бош консулхонаси кўмағида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари, вилоят ҳокимликлари, шунингдек, "Ўзбекнефтегаз", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзбекзоиқовқатхолдинг", "Ўзгазротехсаноатхолдинг" каби етакчи компаниялар вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Сўхроб Холмуродов, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икрамов, Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Иброҳим ал-Маҳмуд сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқалар чорак асрдан зиёд тарихга эга. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Бу жараён кейинги йилларда янада фаоллашди.

2018 йил бошидан бўён БААнинг 60 дан зиёд компанияси раҳбарлари мамлакатимизга ташриф буорди. Икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида 82,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда БАА сармояси иштирокида 100 та корхона ташкил этилган бўлиб, улар саноатнинг кўплаб тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Аммо бу кўрсаткичлар икки давлатнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмас. Ишга солинмаётган имкониятлар кўп. Бизнес-форумда айни шу масалага эътибор қаратилди. Делегация аъзолари мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларига олиб борилаётган ислохотлар билан таништирилди, янги инвестиция лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

– Ташрифимиздан мақсад мамлакатингиздаги инвестициявий муҳитни ўрганиш, ўзаро сармоявий алоқаларни кенгайтиришдан иборат, – деди Абу-Даби Савдо-саноат палатаси Бош директори Мухаммад ал-Мухайри. – Бугунги бизнес-форум шу мақсадни рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бизнес-мулоқотда Ўзбекистоннинг нефть-газ, сайёхлик, озиқ-овқат, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, мўқобил энергетика каби соҳалар бўйича салоҳияти билан танишдик. Янги инвестиция лойиҳаларига бағишланган тақдимотлар бизда катта қизиқиш уйғотди.

Бизнес-форум доирасида, жумладан, бунёдкорлик (савдо марказлари ва меҳмонхоналар), мўқобил энергетика (шамол ва қуёш электр станциялари) каби йўналишларда келишувларга эришди. Шунингдек, Ўзбекистон ва БААнинг қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Тадбирда икки давлат ишбилармон доираларининг "В2В" шаклидаги учрашувлари ҳам ўтказилди.

**Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири**

Мамлакат миқёсида оналар ўлими қисман камайган бир пайтда Навоий, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бу кўрсаткич юқориликча қолаётир. Гўдақлар ўлими кўрсаткичи эса, Андижон ва Хоразм вилоятларида ўзгармай қоламоқда.

Тадбирда амбулатор-поликлиника муассасалари билан туғруққа ёрдамлашиш муассасалари ўртасида ўзаро алоқа етарли йўлга қўйилганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, аёллар маслаҳатхоналаридан туғруқ учун аёл ёки ҳомиланинг саломатлик даражасига кўра тўғри йўналтирилмаслиги, туғруқ муассасаларида бунга эътибор қаратилмаслиги ачинарли хол.

Депутатларнинг фикрича, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун амбулатор-поликлиника муассасалари билан туғруққа ёрдамлашиш муассасалари, шунингдек, турли босқичдаги туғруққа ёрдамлашиш муассасалари фаолиятини ўзаро интеграциялашган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Эшитув якунида оилалар, оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши, ҳомилалар аёллар ва чақалокларда патологияни барвақт аниқлаб, даволаш, болалар ногиронлигини камайтириш, оналар ва гўдақлар ўлимининг олдини олиш юзасидан билдирилган тақлиф-таъсияларни инобатга олган ҳолда, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Даврон СУННАТОВ

МАМЛАКАТИМИЗ
ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ
ҚАНДАЙ ИСЛОХОТЛАРГА
МУҲТОЖ?

Халқаро пресс-клуб сессиясида Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, тежамдорлик ва истеъмол маданияти борасидаги муаммолар мутахассислар иштирокида таҳлил қилинди.

Тадбирда соҳа мутахассислари, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Дастлаб, "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Одил Темиров тизимдаги муаммолар ҳақида сўз юритди.

Мутахассиснинг таъкидлашича, бугунги кунда 100 минг нафардан зиёд катта меҳнат жамоасига эга нефть-газ тизимида муаммолар кўп. Жумладан, геология-қидирув йўналишида технологиялар, қурилмалар маънан эскирган. Уларни янгилаш зарур. Шу мақсадда 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган ва шу асосда ишлар бошлаб юборилган.

Аксарият нефть-газ конлари ўттиз беш-қирқ йиллар давомида фақат эксплуатация қилинган. Ўз навбатида, табиий бойликлар захираси ҳам чексиз эмас. Бугун мавжуд конларда уларни қазиб олиш жараёни мураккаблашган. Масалан, бир вақтлар газ 1-1,5 минг метр чуқурликдан қазиб олинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 2-4 минг метрга етган.

Нефть маҳсулотлари қазиб олиш ва ишлаб чиқариш йўналиши бўйича ҳомашенинг 40-50 фоизи импорт қилинади. Табиийки, бу жиҳатлар соҳага катта маблағ йўналтиришни талаб қилади.

Бошқарув раиси ўринбосарининг фикрича, тизимдаги муаммоларни хал қилишда инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам қатор масалалар ечимини кутиб турибди. Аввало, энергия ресурсларининг амалдаги тарифини қайта қўриб чиқиш зарур. Шунингдек, "Ўзбекнефтегаз" АЖ халқаро рейтингга эга эмас. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар иштирокида Ўзбекистондаги ёқилғи-энергетика корхоналари стратегиясини аниқлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Электр энергияси таъминотидаги янгиликлар ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Тадбирда иштирок этган "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Рўзиқул Раимов бу ҳақда маълумот берди.

– Жорий йилнинг 9 ойида 45,5 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди ва режа 104 фоизга бажарилди. Йил давомида 63,7 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши режалаштирилган, – деди у. – Электр энергияси ишлаб чиқарувчи станцияларнинг 84 фоизи 50 йилдан бўён ишлаб келади. Бинобарин, уларни босқичма-босқич таъмирлаш эҳтиёжи юзага келган. Мамлакатимизда 8700 километрлик магистраль тармоқлар мавжуд. Уларнинг 2400 километрида таъмирлаш ишлари олиб бориш керак. Паст қучланишли ҳаво тармоқлари, яъни симёғочларнинг 60 фоизи эскирган. Буларнинг барчаси тизимда туб ислохотлар амалга оширишни талаб қилади.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти тизими ҳам муаммолардан холи эмас. Жамият бошқаруви раиси Шарифжон Турсуновнинг айтишича, газ қувурлари доимий назоратда бўлиши керак. Аксарият қувурлар эскирган. Бунга асосий сабаб маблағларнинг нотўғри тақсимлангани, газ таъминоти тўғри бўлмаганидир. Албатта, бу борадаги вазиятни у қадар оғир, деб бўлмайди. Лекин тизим ислохотларга муҳтож.

Тадбирда меҳнат фахрийлари мавзуга доир кескин танқидий фикрлар билдирди.

– Бу борадаги ислохотларни тизимда талон-тарожликларга барҳам беришдан бошлаш керак. Хусусан, электр энергияси, газдан ноқонуний фойдаланишга чек қўйиш, ускуналарни талон-тарож қилишнинг олдини олиш зарур. Бугун Мажбурий ижро бюроси ходимлари аҳолидан тўловларни ундиради, холос. Фикримизча, бу тизим аҳоли манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши керак. Яъни электр энергияси, сув ва газ таъминотидаги узилтишлар ёки етишмовчилик каби масалаларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ, – деди Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев.

Халқаро пресс-клуб сессиясида мавзуга доир муҳокамалик қизгин кечди. Журналистлар саволларига жавоб қайтарилди.

**Уллубек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбири**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЯНГИ ЖАМҒАРМА

Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мактаб таълимида янги истиқболлар очишга хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган 2018-2021 йилларга мўлжалланган Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбири дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2018 йил 29 сентябрь куни Ўзбекистонда илк бор “Краудфандинг” (халқ томонидан молиялаш) биринчи платформаси Mfond.uz ишга туширилди.

Мактаб хайрига жамғармаси – Mfond.uz тақдиротида бағишлаб Ёшлар пресс-клубида ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Ушбу платформа орқали жамланган маблағлар таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Платформа мактаб раҳбарлари учун ўқув муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун ҳомийлик маблағларини жалб қилишга қаратилган ўзига хос восита бўлиб, бу маблағларни ишлатишда очиклик ва ҳисобдорликни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Mfond.uz ҳомийлик платформаси орқали ҳомийлар, ота-оналар, чет элда яшовчи ватандошларимиз, жумладан, мактабнинг собиқ ўқувчилари мактабларга ҳомийлик қилиши мумкин. Маблағларни Payme, Uray, Click маҳаллий ва халқаро Visa, MasterCard ва бошқа халқаро тўлов тизимлари орқали ўтказиш учун қулайликлар яратилган.

Таъкидлаш керакки, ҳомийлар

маблағларни маълум бир мактаб ҳисобига ёки умумий жамғарма ҳисобига ўтказиб бериши мумкин.

Жамғарма ҳисобидан лабораториялар, “Ақлли синфлар” ва бошқа лойиҳалар яратиш, жиҳозлаш, мактаб инфратузилмаси, қолаверса, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уни ривожлантириш учун маблағлар ўналтирилди.

Лойиҳа раҳбари Рустам Каримжоновнинг сўзларига кўра, юртимизда бугунги кунда 10 мингга яқин мактаб фаолият юритмоқда, улардан 60 фоизининг моддий-техник базаси етарли эмас. Фақат 37 фоиз мактаб компьютер синфига эга бўлиб, уларнинг 7 фоизи интернет тармоғига уланган. Ҳукуматимиз томонидан мактаблар инфратузилмасини яхшилаш учун маблағлар ажратилмоқда. Аммо қисқа вақт ичида белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳомийларни жалб қилиш лозим бўлади.

Краудфандинг тизимидан фойдаланган ҳолда мактаблардаги шарт-шароитларни яхшилаш, фарзандларимизнинг таълим олиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун қулайлик яратиш бизнинг асосий мақсадимиздир, – дейди ЎЗА мухбирига Р.Каримжонов. – Бу лойиҳа мактаблар учун бир воситадир. Мазкур платформа ёрдамида маблағларни жалб қилиш ва сарфлашнинг очиклиги, ҳисобдорлиги таъминланди. Тизим тўлиқ шаффоф бўлиб, фонд ишининг ошқоралигини таъминлаш мақсадида олинган маблағлар ва улардан қандай фойдаланилгани ҳақида маълумотлар мунтазам равишда бериб борилади.

Н.УСМОНОВА



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Оила мўъжас бир Ватан, жамият ўзаги, ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, миллий қадриятларни ривожлантирувчи, авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи, ахлоқий ва маънавий баркамол авлодни дунёга келтириб, уни комил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори оилаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифаларига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган “Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда оила ва оилавий қадриятларнинг ижтимоий-иқтисодий, психологик, маънавий ва ҳуқуқий ривожланишига демографик омилларни илмий-амалий ўрганиш ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари асосий мақсад қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг лойиҳа раҳбари Х. Абдурахмонов, “Оиланинг демографик ривожланиши: бугунги ҳолати ва истиқболлари”, Самарқанд вилояти “Оила” маркази бошқарма бошлиғи З.Шодиева “Оила мустаҳкамлиги ва демография масалаларининг ўзаро боғлиқлиги”, Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Б.Шодиев “Ўзбекистонда демографик ҳолат” Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари М.Қуронов “Ота-онанинг педагогик маданияти”, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Умурзоқов “Оила шаклланишининг демографик хусусияти” мавзусидаги маърузалар ўқиди.

– Оила кичик жамият, фарзандлар униб-ўсадиган нурли гўша, одамзод туғилиб, вояга етadиган муқаддас даргоҳ. Эр-хотиннинг қўша қарши, умргузаронлик қилиши учун

қўйилган муборак қадамдан юзага келувчи муҳташам қасрдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмухамедова. – Инсон оила гулзорига сайр этиш учун эмас, уни обод, гўзал ва нурафшон қилиш учун қиради. Миллий истиқлол тушунчасини, аввало, инсонлар қалби ва онгига синдириш ҳам оиладан бошланади. Ўзбек оиласининг ўзига хослиги, файзу барокатга бойлиги унда ўсиб-унган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, халқимизнинг азалдан бизга мерос бўлиб қолган қадриятларнинг эъзозланаётганлиги қувонарлидир. Президентимиз оилаларнинг янада мустаҳкам бўлиши, ўғил-қизларнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Шундай экан оиланинг бирдамлигини мустаҳкамлашга, оилада авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани сақлаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган аъёнларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришимиз шарт. Зеро, жамиятимизда оиланинг мустаҳкамлиги ва хотиржамлиги, Ватанимиз тинчлигини, тараққиётини ва фаровонлигини таъминлайди.

Анжуман доирасида “Замонавий жамиятда оила фаровонлигига эришиш масалалари”, “Оила мустаҳкамлиги ва авлодларроқ муносабатларнинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари”, “Фаровон жамиятда ота-оналик ва оила қадриятининг ўрни муаммоси”, “Демография ва оила сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий таъминланиши масалалари” каби йўналишдаги мавзулар қизгин муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар томонидан тажриба алмашишни йўлга қўйиш борасидаги тақлиф ва тавсиялар билдирилиб, оилавий муносабатларга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

янада ривожлантиришга оид хатти-ҳаракатларни назорат қилиди.

Шунингдек, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ тавсияларидаги талабларни ва мазкур соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилишни таъминлайди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан лойиҳаларни тақлиф этади.

Эндиликда тижорат банклари ва кредит ташкилотлари, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, лизинг хизматларини ва лотереялар ташкил этишни амалга оширувчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, сугурталовчилар ва суғурта воситачилари, биржа ва ризолорлик ташкилотлари хавфлари бўйича шахсий назорат тизими иш олиб боради.

Бунда ҳеч бир соҳа ва тизим жараёндан четда қолмайди. Нотариал идоралар, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, почта алоқаси оператори ва провайдерлари, қимматли қўғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари хавфлари бўйича ҳам айна тизимда ишлар бажарилиши белгиланган.

Қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишлари амалга оширилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА
ёзиб олди

ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида 3 октябрь куни “Ипак йўлида туризм” 24-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик бўйича фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар мутахассислари, дипломатик корпус, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, хунармандлар иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътибори натижасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ соҳа ривожини учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиладиган бўлса, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони юртимиз туризм салоҳиятини ошириш, соҳага инвестициялар жалб қилиш, инновацион гоя ва технологияларни жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро ярмарка иштирокчиларига табригини Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини изчил ривожлантириш, туристларни кенг жалб қилиш мақсадида янги лойиҳа ва тармоқлар ишга туширилаётгани, замонавий кадрлар тайёрлашда Самарқанд шаҳрида очилган “Ипак йўли” халқаро туризм университети муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда дунё бўйича сайёҳлар сони 1 миллиард 322 миллионни ташкил қилган. Бу 2016 йилга нисбатан 7 фоизга кўп демек. Бундай суръат 2018 йилда ҳам давом этиб, ўртача 4-5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ушбу рақамлар жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик соҳасининг нечоғлиқ муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Зеро, туризм ресурслари табиий бойликлар каби вақт ўтиши билан қамаймайдиган, аксинча, оммалашиб бораверади.

Тошкентда ўтказиладиган ушбу халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўзининг қўламини ва иштирокчилари сони, миллий стендларда намоийш этиладиган кўргазмалар миқдоси ва бой мазмунини билан ажралиб туради. Унда Қозғоғистон, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Миср, Сингапур, Малайзия, Озарбайжон, Хиндистон, Туркия, Миср, Россия, Чехия, Украина сингари қатор давлатлардан 60 га яқин фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Тошкент туризм ярмаркасида иккинчи бор қатнашган, – дейди Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Эдуард Шапира. – Айтишни мумкинки, бу галги тадбир олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Қисқа вақтда Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал тараққиёт эттириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда кўпбал давлатлар қатори Исроил фуқаролари учун ҳам виза тартибининг беқор қилинганини ана шундай муҳим ўзгариш сифатида қайд этмоқчиман. Жорий йилнинг ўтган даври мавойида 4 мингдан зиёд исроиллик сайёҳ Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, бой маданияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда бу икки баробар кўп. Доимий тарзда ўтказиб келинаётган сайёҳлик ярмаркалари ушбу соҳадаги ҳамкорлигимизни юқори даражага олиб чиқиш имконини беради.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий уй-меҳмонхоналар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, темир йўллар ва авиаташувчилар, туроператорлар, турагентлар, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматлари, музейлар ҳамда театрларнинг хизматлари намоийш этилмоқда. Ярмаркада маданий-тарихий, бизнес, спорт ва экологик саёҳатлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, соғломлаштириш, гастрономик, экстремал, ёшлар туризми каби йўналишларга оид бўлимларда сайёҳлик соҳасининг барча замонавий йўналишлари қамраб олинган.

Миллий кўргазмалар павильонида янги лойиҳа – “Хунармандлар шаҳарчаси”, “Рассомлар жиҳони” ташкил қилинган. Ўзбек дизайнерлари яратган либослар, “Шарк бозори” кўргазмаси фаолияти йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, миллий павильондан мамлакатимиз ҳудудларининг маданияти, сайёҳлик салоҳиятини намоийш этувчи тақдиди стендлари ўрин олган. Уларда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий урф-одати, туризм имкониятлари намоийш этилмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан илк бор ярмарка доирасида ахборот тенди тақдим этилди. Иштирокчилар ва меҳмонлар ушбу стендлар орқали туризм соҳасидаги хизматлар – лицензиялаш, аттестациядан ўтказиш ва семинар-тренинглар ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Ўзбек ошонаси ўзининг мазали таомлари, рангбаранг тайёрлаш усули билан машҳур. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида нафақат маданиятлараро мулоқот маркази сифатида ном қозонди, балки турли давлатлар турфа таомларини бир дфёр ошонасида жамлаб олди. Бу ярмарка доирасида ўтказилган анъанавий таом тайёрлаш – “Ипак йўли таъми” номи миллий таомлар фестивалида яна бир бор ўз тасдиқини топди.

Ярмарка ва “Hosted Buyers” дастури иштирокчилари халқимизнинг савдо-сотик маданияти, миллий маънавият, ижодкорлик салоҳияти, меҳмондўстлик каби эга қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Улғубек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг умумқабул қилинган халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлиги юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси Ашурхон ИБРАГИМОВА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига қўйидагиларни сўзлаб берди.

– Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самардорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизнинг молиявий тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тинчлик ва осойишталикка раҳна солувчи иллатларга қарши курашиш миллий тизимининг умумқабул қилинган халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган, – дейди А.Ибрагимова. – Бу вазифаларни янада қўқурлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 20 сентябрда “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Унга кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳоланиш иккинчи босқичини ўтказиш режасига мувофиқ, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилмоқда.


ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ФУҚАРОЛИК БҲРЧИМИЗ

иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда.

Эндиликда ушбу йўналишда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияси ташкил этилади. Бу соҳадаги муҳим қадамлардан бири бўлиши шубҳасиз.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Комиссия жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, шунингдек, унинг асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини



Футбол янгиликлари

ЯРИМ ФИНАЛДА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон кубоги ярим финалида мухлислар учун кутилмаган натижалар қайд этилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон кубоги ярим финали доирасидаги ҳар иккита беллашувда жамоалар мухлисларга "интрига" намойиш эта олишмади. Ярим финалнинг дастлабки ўйини Қўқонда бўлиб ўтди. Унда "Қўқон-1912" жамоаси мамлакатимизнинг етакчи клубларидан бири "Пахтакор" билан куч синашди. Қўлгина мутахассислару, мухлислар Жа-воҳир Сиддиқов, Қувондиқ Рўзиев сингари маҳоратли футболчиларга эга бўлган "Қўқон-1912" жамоаси "Пахтакор"-га ўз майдонида етарлича қаршилик кўрсата олади, ўйин шиддатли, "интрига"га бой кечади, деб тахмин қилишган эди. Дарҳақиқат, учрашувдаги илк гол Т.Безерра томонидан мезбонлар дар-возасига киритилди. Аммо, қўқонликлар

6-дақиқада М.Холмухаммедовнинг пенальтидан самарали фойдалана олган-лиги ҳисобига орадаги мувозанатни тик-лашнинг уddасидан чиқишди, 1:1. Аммо, шундан кейин пахтакорчилар кес-кин ҳужумлар уюштирган ҳолда мезбон-лар дарвозаси олдида кетма-кет хавф-ли вазиятларни ўйин охирига қадар со-дир этишди. Пахтакорчилардан — Д.Рах-матуллаев, И.Гонсалвеш, Ж.Машарипов, Т.Безерра қўқонликлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобда 5:1 га ол-динга чиқиб олган пайда С.Бердиев пахтакорчилар дарвозасига гол кирит-ди. Яқунда 5:2 ҳисобида ишончи за-фар қучган пойтахтликлар финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ай-тиш жоизки, нима учундир қўқонликлар

шу кунги пахтакорчилар босимида дош бера олишмади. Ваҳоланки, таркиби анча кучайган "Қўқон-1912" жамоаси че-мпонат беллашувларида "Пахтакор"га муносиб қаршилик кўрсата олганди.

Дарвоқе, Ўзбекистон кубоги ярим фи-наlining "Миллий" стадионида кечган "Бунёдкор" — АГМК жамоалари баҳси мухлисларга кутилмаган натижани тақ-дим этди. Чунки кубокнинг чорак фина-лида АГМК Про-лига вакили "Машъал"-ни аранг енга олган, "Бунёдкор" эса ку-бок баҳсларида ҳам, биринчилик учра-шувларида ҳам сермазун ўйин намойиш этаётган ва чемпионликка даъвогарлик қилаётган эди. Шу боисми, пойтахтдаги АГМКга қарши учрашув Миржолал Қоси-мов шогирдларига қийинчилик туғдир-

майти, деган тахминлар ҳам кўп эди. Аммо, футболда, айниқса, кубок баҳси-да ҳар қандай натижа қайд этилишини олмаликлик чарм тўп усталари исботлаб қўйишди. 90 дақиқа давом этган белла-шувда тошкентлик футболчиларга қара-ганда олмаликлик чарм тўп усталари сер-мазун ўйин намойиш этишди. Натижа-да 58-дақиқада М.Музаффаров, 63-да-қиқада З.Полвонов мезбонлар дарвоза-сини аниқ нишонга олиб, 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Шундан кейин Миржолал Қосимов шогирдлари ўйинда ўзгариш ясашга, рақиб дарвозасига гол киритишга уринишди. 80-дақиқага ке-либ, М.Тошматов жамоадоллари бош-лаган ҳужуми самарали яқунлаб, ҳисоб-нинг 1:2 га қисқаришини таъминлади. Аммо, қолган дақиқаларда Бахтиёр Ашурматов шогирдлари яхши ҳимояла-нишди ва яқунда 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, биринчи марта Ўзбекистон ку-богининг финалига йўл олишди.

Энди Биллур соврин учун кураш "Пах-такор" ҳамда АГМК ўртасида кечади. Ўйин 28 октябрь кунги Фарғонанинг "Ис-тиқлол" стадионида бўлиб ўтади. Ўзе-бекистон кубоги қайси жамоага насиб эта-ди? Буни финал учрашувидан сўнг би-либ оламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚИЛМИШИДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРМАГАЧ...

Инсон бу дунёга келиб, яхши яшашга интилади. Эзгу ишлари билан жамиятга баҳоли қудрат ҳисса қўшади. Аммо ёшлигидан жиноят кўчасига кириб, тузалиш йўлига ўтмаса-чи? Давлатимиз кечиримли. Билиб-билмай жиноят содир қилганларни авф этиб, амнистия туфайли кечириб, уларга имконият яратмоқда. Афсуски, баъзи ҳолларда бу кечиримлар бекор кетмоқда...

Эркин Мирқосимов (исм-шарифлар ўзгари-рилган) 1972 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта, муқаддам бир неча бор суд-ланган бўлишига қарамай тегишли хулоса чи-қариб олмаган.

Қамоқдан чиқиб, яна эски ҳунарини, яъни ўғирлиқни давом эттириверган.

2018 йил 28 февраль кунги тушга яқин Эркин Мирқосимов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга ки-ритиш мақсадида Яккасарой тумани "Бандлик-ка кўмаклашиш маркази" ходимларига ўзини "Медиа Лайт" ходими деб таништириб, улар-нинг офисида мебель жиҳозлари ва канцелярия маҳсулотларини олиб беришни ваъда қилади. Миробод туманида жойлашган "Тошкент савдо мажмуаси" биносининг учинчи қаватида фука-ро Ҳамид Шариповга тегишли нархи 1.500.000 сўмлик "Samsung J5" русумли уяли алоқа во-ситасини кўнгирок қилиб олиш баҳонасида олиб, уни чалғиганидан фойдаланиб, уяли алоқа во-ситасини фибрибарлик йўли билан эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Э.Мирқосимов судда айбига тўлиқ иқдор бўлди.

Жабрланувчи Ҳ.Шариповнинг айтишича, Э-ркин Мирқосимов ишхонага кириб келиб, ўзини "Аква" фирмасида ишловчи ходим сифатида таништирилганини, ишхоналарга мебель, кан-цтовар ва кузатув камералари қўйиб беришли-гини айтди. Уни раҳбари олдида олиб кириб, таништиради. Раҳбари розилиги билан Тошкент савдо марказига бориб 3-қаватдаги мебеллар-ни кўришади. Э.Мирқосимов ундан "Samsung J5" русумли уяли алоқа воситасини кўнгирок қилиб олиш баҳонасида олиб, қаергадир йўқ бўлиб қолганлигини, унинг ортидан 1-қаватга тушганлигини у ерда топа олмагач яна 3-қават-га чиқганлигини у ерда ҳам топа олмагач, те-лефон аппаратини алдаб олиб кетганлигини билганлигини, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб беришни сўради.

Судланувчи Э.Мирқосимовнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбеки-стон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан фибрибарлик, яъни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзга-нинг мулкни хавфли рецидивист томонидан қўлга киритишда ифодаланган аломатларига кўра тўғри малакаланган.

Шу билан бирга, судланувчи Э.Мирқосимов-дан жабрланувчи Ҳ.Шарипов фойдасига 1.500.000 сўм етказилган зарарни ундириш ма-саласи кўриб чиқилди.

Суд Эркин Мирқосимовга Ўзбекистон Рес-публикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир эт-ганликда айбли деб топиб, уни 1 йил муддатга моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил-га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинла-ди.

Э.Мирқосимовга жазони қаттиқ тартибли ко-лонияларда ўташ белгиланди.

Шаҳбоз ШОМИРЗАЕВ,
Миробод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи

"Сергели тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели-7, 50-уй, 46-хонадон учун Бердиқобилова Камола Укта-мовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолган-лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томони-дан Алишер Навоий жамғармасига берилган 43 (219) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 6 ок-тябрь кунги ҳаво ўзгариб ту-ради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эса-ди. Ҳарорат кечаси — 13-15,

кундузи — 27-29 дара-жа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо-ниторинг хизмати маълумотига кўра, 6 ок-тябрда Тошкент шаҳ-рининг об-ҳаво шароити ша-ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқа-либ кетишига имконият яра-тади, ифлосланиш даража-си паст бўлади.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза муҳбири

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни спортга жалб қилиш, соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тар-биялаш, соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолат этишлари, юрт қорига камарбаста ин-сонлар бўлиб шаклланишида Ўзбекистон мудо-фаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги конун-да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан "Соғлом қизлар – мустақам оила таянчи" мавзусида тад-бир ташкил этилди. Тадбир туман ёшлар марка-зида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Миробод ту-ман Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди. Миробод туманидаги ўрта махсус касб-хунар таъ-лим муассасаларида тахсил олаётган қизлар ўрта-сида спортнинг техник ва амалий турлари турку-мига киритилган ўқ отиш ва волейбол мусобақа-си бўлиб ўтди. Унда ўқувчи қизлар жамоа бўлиб қатнашиб, чаққонликларини намён этишди.

Ўқ отиш мусобақасида 1-ўрин Тошкент архи-тектур қурилиш касб-хунар коллежининг "Архи-тектор" жамоасига, 2-ўрин П.Ф.Боровский но-мидаги Тошкент тиббиёт касб-хунар коллежининг "Авицена" жамоасига, 3-ўрин эса Миробод са-ноат касб-хунар коллежининг "Мардлар" жамоа-сига насиб этди.

Жамоаларга ўртасида бўлиб ўтган волейбол баҳ-слари ҳам қизғин тарзда кечди. 1-ўринни Тош-кент политехника касб-хунар коллежининг "Тех-никлар" жамоаси, 2-ўринни П.Ф.Боровский но-мидаги Тошкент тиббиёт касб-хунар коллежининг "Авицена" жамоаси, 3-ўринни Тошкент архитек-тура қурилиш касб-хунар коллежининг "Архитек-тор" жамоаси эгаллади.

Ғолибларга "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод Ўқув СТК" унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан со-вғалар ва дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Долзарб мавзу

БЕҲУДА САРФЛАНГАН ТАБИИЙ ГАЗДАН ОЙИГА 3 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЗАРАР КЎРИЛАДИ!

Дейлик, кўнглингиз мева тусаб қолди. Хаёлингиздан шу фикр ўтиши билан деҳқон ё сотувчи "пулини топганда берарсиз", деб уни эшигингизга ташлаб кетадими? Ёки сотувчининг ёнига бориб, ҳақини бермасдан нон олиб кета оласизми? Эси қотувчи одам бу ишни қилмайти, ахир бу ўғирлик-ку, дейсизми? Жуда тўғри.

Унда нима учун электр, газ, сув каби табиий бой-ликлардан беминнат фойдаланамиз-у, ҳақини йиллар давомида тўламаслик мумкин, деб ҳисоблаймиз? Қават-қават дангиллама ховли қуришга, уни совутгич, музлатгич каби маиший техникалар, замонавий газ плиталари билан тўлдиришга пул толамиз, лекин уйимизни иситган, ёритган газ ва электр энергияси учун тўлашга шошилмаймиз? Ақсинча, иложи бўлса, камроқ пул тўлаш, муроса йўлини қидирамиз? Фой-даланилган хизмат ҳақини тўламаслики оддий ҳол, деб ўйлаймиз?

Билган одам билади, газ жуда катта маблағ ва меҳ-нат эвазига олинандиган ресурс. Шундай бўлса-да, дав-латимиз томонидан қўрилатган изчил чора-тадбир-лар туфайли кейинги йилларда газ таъминоти анча изга тушиб қолди. Аммо аҳоли ўртасида газ истеъмо-ли бўйича қарзини тўлаш ўрнига назоратчи пул так-лиф этиб, қарздорликни ноқонуний йўллар билан ўчи-ртиб юбюриш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Натижада давлат бюджет катта зарар кўрмоқда.

"Ўзтрансгаз" жамиятидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи август ҳолатига юртимизда табиий газ билан газлаштирилган хона-донлар умумий сони 3 миллион 383 мингдан ошган. Шундан 2 миллион 580 минг 765 хонадонга газ ҳисоб-лағич ўрнатилган ва қарийб 803 минг хонадон газ ҳисоблағичсиз табиий газдан фойдаланмоқда.

Барчамизга маълумки, қиш мавсумида яқинлари-миз хонадонига хизматчилик юзасидан ёки меҳмонга боришганда, ҳар ўрта хонадондан биттасида табиий газ беҳуда ёниб турганига гувоҳ бўламиз ва бунга табиий ҳолдек қараймиз. Ушбу ҳолат асосан газ ҳисоб-лағич ўрнатилмаган хонадонларда кўпалар учрайди.

Буни оддий арифметикага солиб рақамлар билан таққосласак, газ ҳисоблағич ўрнатилмаган биргина хо-надондаги газ плитасининг битта камфоркасида газ беҳуда ёниб турса, соатига ўртача 0,2 метр куб бўла-ди. Бу 803 минг хонадоннинг 83 мингтасида соатига ўртача 17 минг метр куб газ исроф бўлди ёки сама-расиз ёниб кетди, дегани. Ана энди бу кўрсаткични бир кунда 398 минг метр кубдан ортиқ деб ҳисобла-сак, ойига ўртача 11 миллион 952 минг метр кубдан ортиқ газ шунчаки ҳавога совурилатгани аён бўлади.

Энди мазкур маҳсулотнинг 1000 метр кубини хорижа 300 долларга экспорт қилиниши, аҳолига эса 289 минг сўм эвазига етказиб берилаётгани инобатга олинса, қанча зарар қўрилатганини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас. Шу йўл билан ҳар ойда ҳавога учиб кетаётган қарийб 12 миллион метр куб газ баҳоси 3 миллиард 454 миллион сўмдан зиёд бўлиши, дунё бозорида эса 3 миллион доллардан ошиши зарар миқдорини янада

ойдинлаштиради.

Шу ўринда "зангори олов"нинг қўшни мамлакатлар-да баҳоси қанча экан, деган савол туғилади. Чунинчи, Қирғизистонда бир куб газ бизнинг пулга 1630, Қозо-ғистонда 530, Россияда 741 сўмга тўғри келар экан. Ваҳоланки, мамлакатимизда Президентимиз қарори-га мувофиқ, аҳоли хонадонларини ижтимоий ҳимоя-лаш мақсадида бир куб газ 289 сўм этиб белгилан-ган! Халқимизнинг "Ўтин ёрмаганга ўтин ёқтирма" де-ган мақоли бежиз айтилмаган экан-да-а!

Ҳўш, аҳолининг суюлтирилган газ билан таъминла-ниши борасидаги ҳолат қандай?

Бугунги кунда юртимизда 3,1 миллион аҳолига су-юлтирилган газ етказиб берилаётган. Турли ўлчамда-ги баллонларда етказиб берилаётган бундай турдаги бир кило, яъни 2,0 литр атрофидаги газ учун 1000 сўмдан кам нарх белгиланган. Ваҳоланки, хусусий су-юлтирилган газ қуйиш шохобчаларида 1 литр суюл-тирилган газ 2500-3000 сўмини ташкил этади. Демак, аҳоли ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилинаётган.

Аслида газни хомашё ҳолида аҳолига етказиб бер-гандан кўра, уни қайта ишлаб электр энергияси олин-са ёки автомобилларга етказиб берилса, давлатга кўпроқ фойда келтиради. Биз орзу қиладиган Европа давлатларида ҳам аҳоли биздаги каби газ билан таъ-минланмаган. Уларда газ хомашёсидан электр энер-гияси ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади, яъни бир сўз билан айтганда, даро-мад манбаидир.

Ҳаммамизни уйлантирадиган соҳадаги ўғирлик ва коррупциянинг асл сабабини балки шу ердан, яъни табиий газнинг арзонлаштирилган нархларда соти-лаётганидан излаш керакдир? Энди бу ёғи "қилин қирқ ёрадиган" мутахассисларнинг иши.

Мутахассислар, агар тежамкорлик билан ишлатил-са, ҳар бир истеъмолчига йилига ўртача 3 минг куб метрдан ортиқроқ табиий газ тўғри қилишини айти-шарди. Биз эса, бундан бир неча марта кўпроқ газни сарфлаймиз, пулини тўлагимиз келмай юрибди. Зеро, турмушимизни енгиллаштирадиган беминнат дастёр, бебаҳо бойлигимиз — "зангори олов" энг олис қишлоқдаги ҳар бир уйга етиб боришини истасак, ундан тежамкорлик билан фойдаланишимиз шарт эмасми?

Бунинг учун бизда кўп юртларнинг аҳолиси орзу қиладиган шундай табиий неъматдан фойдаланиш ма-данияти шаклланган бўлиши керак. Истеъмолчи ма-данияти юртимизнинг бугунги тарақиёти ва истик-болига бўлган муносабатимизни белгилайди.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза муҳбири

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 26сма табоқ, офсет усулида босилади.
4402 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун маъсул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.20

12345